


ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ  
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

# XXI ASR

ЎЗЛИДЕР  
IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI



Gazeta 2004-yil  
1-yanvardan chop  
etila boshlagan

4-iyun  
2026-yil  
22 (1 176)

**ЭЪТИБОР ва ЭЪТИРОМ**

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президентининг  
"Маданият, санъат ва  
адабиёт соҳаларини янада  
ривожлантириш  
бўйича кенг қўламли  
чора-тадбирлар тўғрисида" ги  
фармони эълон қилинди.

21asr.uz XXlasr\_yangiliklari XXIASR XXI\_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi

## ЎзLiDeP ва "БЕЛАЯ РУСЬ"

### ҳамкорлик меморандумини имзолади

Беларусь Республикасининг Брест шаҳрида ўтказилаётган II Халқаро партиялараро конференция доирасида ЎзLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов бошчилигидаги делегация "Белая Русь" партияси вакиллари билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда янги босқичга кўтарилгани, бу жараёнда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишончи, очиқ ва конструктив мулоқотлари муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Шунингдек, парламентлараро алоқалар, ёшлар дипломатияси ҳамда

гуманитар ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди. Учрашув доирасида ЎзLiDeP ҳамда "Белая Русь" партияси ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Мазкур келишув икки мамлакат партиялараро муносабатларини янги босқичга олиб чиқиш, ўзаро ишонч ва дўстона алоқаларни

янада мустаҳкамлашга қаратилган. Шунингдек, ҳужжат доирасида сиёсий мулоқотни кенгайтириш, қонунчилик, тадбиркорлик, инвестиция, ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш назарда тутилган. Учрашув дўстона ва конструктив руҳда ўтди.

ЎзLiDeP матбуот хизмати



**ШАҲНОЗА ХОЛМАҲАМАТОВА:**

Депутатлик фаолияти фақат қонун қабул қилиш билан чекланмайди, балки...

3



**МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ ҲАМРОҚУЛ ТУРСУНҚУЛОВ СУЛОЛАСИ ВАКИЛИ ТАДБИРКОРЛИК БОБИДА ДУНЁГА ТАНИЛМОҚЧИМИ?**

5



**6**  
Ва ниҳоят, ҳаддини унутган тизим назоратга оlinяпти. Ижобий натижалар узоқ куттирмади – икки ой ичида кўринди-қолди.

**ЎзLiDeP ВА ДУНЁ**

Яқинда Осиё сиёсий партиялари халқаро конференцияси (ICAPP) доимий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши Россия Федерациясининг Пермь шаҳрида бўлиб ўтди. Унда ушбу нуфузли ташкилотга аъзо бўлган ўнлаб мамлакатлардан икки юзга яқин вакиллар қатнашди. Ушбу форумда ЎзLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Фракция ва депутатлик бирлашмалари билан ишлаш департаменти раҳбари Акром Алимов ҳам иштирок этиб, Евроосиё маконида партиялараро ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида маъруза қилди.



## Янги Ўзбекистон

Иқтисодий тараққиётининг  
муҳим институционал пойдевори

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичга кириб бормоқда. Мамлакатимизда иқтисодий либераллаштириш, хусусий мулкни мустақам химоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва глобал иқтисодий тизимга чуқур интеграциялашишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар изчил давом этмоқда. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган мақсадлар ҳам айнан шу йўналишдаги амалий ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда.



**Актам ХАЙТОВ,**  
**Олий Мажлис**  
**Қонунчилик палатасидаги**  
**O'zLiDeP фракцияси раҳбари**

Мазкур вазифаларни амалга оширишда замонавий молиявий институтларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, Қонунчилик палатасида қўриб чиқилган “Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси мамлакатимиз иқтисодий ислохотларининг мантиқий давоми сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Халқаро тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, муваффақиятли молия марказлари нафақат молиявий хизматлар бозорини ривожлантиради, балки инвестициялар оқимини кучайтиради, капитал бозорини чуқурлаштиради, юқори малакали кадрларни жалб этиш баробарида мамлакатнинг глобал иқтисодий рақобатбардорлигини оширади. Лондон, Дубай, Сингапур, Гонконг каби марказларнинг тараққиёт моделини эслайлик.

Демак, Ўзбекистон ҳам бугун ана шундай замонавий иқтисодий механизмларга эҳтиёж сезмоқда. Чунки юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, саноатни модернизация қилиш, инфратузилма лойиҳаларини кенгайтириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш ва хусусий сектор улушини ошириш учун фақат ички ресурслар билан чекланиш етарли эмас. Мамлакатимизга узоқ муддатли капитал, халқаро сармоялар, замонавий молиявий инструментлар ва ишончли ҳуқуқий муҳит зарур. Шу маънода мазкур қонун лойиҳаси айнан шу эҳтиёжларга жавоб берадиган муҳим ҳуқуқий ва институционал асосдир.

**ҚОНУН ЛОЙИХАСИДА**  
**МОЛИЯ МАРКАЗИНИНГ**  
**МАКСУС ҲУҚУҚИЙ**  
**МАҚОМИ, АЛОҲИДА**  
**ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМ,**  
**МОЛИЯВИЙ**  
**ХИЗМАТЛАРНИ**  
**ТАРТИБГА СОЛИШ**  
**МЕХАНИЗМЛАРИ,**  
**ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ**  
**СУДИ, ИНВЕСТИОРЛАР**  
**ҲУҚУҚЛАРИНИ ХИМОЯ**  
**ҚИЛИШ ТИЗИМИ,**  
**СОЛИҚ ВА БОЖХОНА**  
**ТАРТИБЛАРИ,**  
**ЧЕТ ЭЛЛИК**  
**МУТАХАССИСЛАРНИ**  
**ЖАЛБ ҚИЛИШ,**  
**МОЛИЯВИЙ**  
**ИННОВАЦИЯЛАРНИ**  
**ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ**  
**КАБИ МУҲИМ**  
**НОРМАЛАР НАЗАРДА**  
**ТУТИЛМОҚДА.**

Энг муҳими, ушбу ёндашув ҳуқуқий аниқлик, суд ҳимояси, шартномавий интизом ва тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш орқали инвесторлар ишончини мустақамлайди. Замонавий глобал иқтисодиётда капитал, энг аввало, ишонч бор жойга йўналтирилади. Инвестор учун солиқ имтиёзи қанчалик муҳим бўлса, ҳуқуқий қафолат, мустақил низоларни ҳал этиш механизми ва қоидаларнинг барқарорлиги ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Шундай экан, Тошкент халқаро молия маркази Ўзбекистоннинг жаҳон молия бозорлари билан интеграциясини кучайтирувчи муҳим кўприк вазифасини бажаради.

Мазкур ташаббуснинг яна бир муҳим жиҳати, унинг инновацион иқтисодиётни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ эканлигидир. Бугунги дунё иқтисодиётида рақобат табиий ресурслар ёки арзон ишчи кучи билан эмас, балки билим, технология, рақамли ечимлар, интеллектуал мулк, стартаплар ва юқори қўшилган қиймат билан белгиланмоқда.

**ИННОВАЦИЯ**  
**ИҚТISODIY ҲИМОЯ**  
**ДРАЙВЕРИГА**  
**АЙЛАНИШИ УЧУН ЭСА**  
**УНГА САРМОЯ, ҲУҚУҚИЙ**  
**ҲИМОЯ, ВЕНЧУР**  
**МОЛИЯЛАШТИРИШ,**  
**ЗАМОНАВИЙ МОЛИЯВИЙ**  
**ИНСТРУМЕНТЛАР**  
**ВА ХАЛҚАРО**  
**БОЗОРЛАРГА ЧИҚИШ**  
**ИМКОНИЯТИ ЛОЗИМ.**  
**ҚОНУН ЛОЙИХАСИДА**  
**МОЛИЯВИЙ**  
**ТЕХНОЛОГИЯЛАР,**  
**РАҚАМЛИ АКТИВЛАР,**  
**ИНВЕСТИЦИЯ**  
**ФОНДЛАРИ, СУҒУРТА,**  
**КОНСАЛТИНГ ВА БОШҚА**  
**ЮҚОРИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ**  
**ХИЗМАТЛАР**  
**УЧУН ҲУҚУҚИЙ**  
**АСОСЛАР НАЗАРДА**  
**ТУТИЛАЭТГАНИ АНА**  
**ШУ НУҚТАИ НАЗАРДАН**  
**МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.**

Шу билан бирга, Тошкент халқаро молия маркази хизматлар экспортини кенгайтириш учун ҳам янги имкониятлар яратди. Бугун жаҳон иқтисодиётида молиявий, юридик, аудиторлик, инвестициявий, консалтинг ва рақамли хизматлар улуши муттасил ўсиб бормоқда. Ўзбекистон ҳам келажақда фақат хомашё ёки товар экспортга эмас, балки юқори

малакали интеллектуал хизматлар экспортга таянган иқтисодий моделини шакллантириши зарур. Бу эса маҳаллий банклар, суғурта ташкилотлари, инвестиция компаниялари, консалтинг тузилмалари, IT бизнеси, стартаплар ва ёш мутахассислар учун мутлақо янги имкониятлар эшигини очди.

**ЎЗБЕКИСТОН**  
**ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК**  
**ПАРТИЯСИ**  
**ФРАКЦИЯСИ УЧУН**  
**МАЗКУР ТАШАББУС**  
**АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА**  
**ЭГАДИР. ЧУНКИ**  
**ПАРТИЯМИЗ ДАСТУРИЙ**  
**МАҚСАДЛАРИНИНГ**  
**МАРКАЗИДА ХУСУСИЙ**  
**МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИНИ**  
**ТАЪМИНЛАШ,**  
**ТАДБИРКОРЛИК**  
**ЭРКИНЛИГИНИ**  
**КЕНГАЙТИРИШ,**  
**РАҚОБАТ МУҲИТИНИ**  
**КУЧАЙТИРИШ,**  
**ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ**  
**ФАОЛ ЖАЛБ ҚИЛИШ**  
**ВА ИҚТISODIЁТДА**  
**ХУСУСИЙ СЕКТОР**  
**ЕТАҚЧИЛИГИНИ**  
**МУСТАҚАМЛАШ КАБИ**  
**УСТУВОР ВАЗИФАЛАР**  
**ТУРИБДИ.**

Фракциямиз депутатлари қонун лойиҳасини қўриб чиқиш жараёнида унинг ҳуқуқий аниқлиги, амалий таъсири, иқтисодий самарадорлиги ҳамда тадбиркорлар ва инвесторлар манфаатларига хизмат қилувчи жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишди. Чунки бугун қабул қилинаётган ҳар бир ҳуқуқий механизм эртанги инвестиция муҳити, бизнес ишончи ва мамлакатимиз иқтисодий рақобатбардорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Шубҳасиз, Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш масаласи фақат молия соҳасига доир ташаббус эмас. Бу – Янги Ўзбекистоннинг қонун лойиҳасини мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти, инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро молиявий нуфузини янада мустақамлашга хизмат қиладиган муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида баҳолайди.

Парламентдаги O'zLiDeP фракцияси “Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳасини мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти, инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро молиявий нуфузини янада мустақамлашга хизмат қиладиган муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида баҳолайди.

“XXI asr” газетасида Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вақил Абдуманноп Бўриев билан суҳбатни ўқиб, мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати бутунлай янги босқичга кўтарилаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.



**Дилшод ШОУМАРОВ,**  
**O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси**  
**раисининг сиёсий-мафкурaviy ва тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича ўринбосари**

ЎЗБЕКИСТОН ТАДБИРКОРЛАР  
МАМЛАКАТИГА АЙЛанаДИ

Ушбу мулоқотда илгари сурилган асосий фикрлар хусусий бизнесни янада ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Хусусан, саъй-ҳаракатларни тадбиркорларни қийнаётган муаммолар билан доимий курашишга эмас, балки муаммолар юзудга келишига йўл қўймасликка йўналтириш зарур экани билан боғлиқ таклиф ҳам эътиборга молик.

Таъкидлаш керакики, хусусий бизнес вакиллари қўллаб-қувватлаш партияимизнинг бош вазифаси бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Бунинг боиси ўрта синф мулкдорлари партияни шакллантирган ижтимоий қатлам эканлигидан ҳам эмас. Асосий сабаб – тадбиркорлар учун яратилаётган шарт-шароит мамлакатимизнинг барча соҳалардаги салоҳияти ўсишига ижобий таъсир кўрсатишида. Президентимиз ўз чиқишларида тадбиркорларни “Янги Ўзбекистон қахрамонлари”, “ислохотлар катализатори” деб таърифлаши бежиз эмас.

Бу иборалар замирида чуқур маъно мужассам. Биргина мисол: мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг қарийб 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса тадбиркорликнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳам намойён этмоқда. Шунингдек, аҳолини турли-туман маҳсулотлар билан таъминлаш, нархлар барқарорлигини сақлаш, соҳаларга янги ва замонавий технологиялар, иш услубларини жорий қилиш ва бошқа талай йўналишларда хусусий секторнинг аҳамияти бекиёс. Қисқаси, халқ фаровонлиги, жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорлик кўп даражада мамлакатда айнан хусусий секторнинг роли кучайишига боғлиқ. Демак, тадбиркорлик – барча соҳалар лоқомоти. Ишбилармонлик иқтисодий ташуунчагина бўлиб қолмасдан, балки тараққиёт фалсафаси ҳамдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур суҳбатда тилга олинган ғоялар билан Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг мақсад-интилишлари даярили муштарак. Ушбу уйғунлики яқинда партияимиз билан Бизнес-омбудсман ўртасида тузилган ҳамкорлик меморандуми яна бир бор тасдиқлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳамда O'zLiDePнинг тадбиркорлар, мулкдорлар манфаатларини ифодалашга қаратилган саъй-ҳаракатлари бир мақсад, яъни кучли иқтисодиёт ва унинг самараси ўлароқ ривожланган давлат, фаровон жамият барпо этишга хизмат қилмоқда. Шу маънода, қабул қилинаётган тегишли фармон ва қарорларни хусусий секторни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида чоралар эмас, балки мамлакат тараққиёти яхлит стратегиясининг мақсад-интилиш қисми сифатида англаш лозим. Айниқса, жорий йилда қабул қилинган бир қанча ҳужжатлар мамлакатда тадбиркорликни ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб бердики, улар моҳиятан ягона мақсад – бизнес учун қулай муҳит яратиш, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ролини янада кучайтиришга хизмат қиладди.

Президентимиз томонидан жорий йил 26 майда имзоланган “Кичик бизнес субъектларининг ўсиши учун янада қулай иқтисодий ва маъмурий шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги фармон амалдаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди, десак янглишмаймиз. Ҳужжатнинг асосий ғояси – тадбиркор ўз бизнеси кенгайтиришдан аввал муаммоларни ҳал қилиш, улар илгари айрим бизнес субъектлари солиқ юки ортиб кетишидан қўчиб, фаолиятини сунъий равишда чекларди. Янги тартиблар бундай тўсиқларни бартараф этади. Мазкур фармон давлат ва бизнес муносабатларини назорат эмас, ҳамкорлик модели асосида қуришга қўмаклашади.

Маълумки, тадбиркорлик ривож учун молиявий ёрдамнинг ўзи кифоя қилмайди. Бизнес учун муҳим омиллардан яна бири – адолатли

ва қулай маъмурий муҳит. Шу йил 19 майдан кучга кирган “Солиқ органлари фаолиятини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигида замонавий ёндашувларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонида тадбиркорга жазо беришдан кўра унинг хатосини тузатишга қўмаклашиш тамойили устувор мақсад сифатида белгиланди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг “Тиббиёт соҳасида хусусий секторни қўшимча қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги жорий йил 5 майдаги фармони хусусий тиббиёт муассасалари учун мутлақо янги имкониятлар яратди. Энди улар давлат тиббий суғуртаси тизимиде иштирок этиши, аҳолига давлат буюртмаси асосида хизмат кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, чорвачилик соҳасида янги инвестиция лойиҳаларини рағбатлантириш, пахта ва буғдой етиштирувчилар учун кредит фоизларининг бир қисмини компенсация қилиш, дизель ёқилғиси харажатларини субсидиялаш ҳамда кластерларга қўшимча молиявий энгилликлар бериш тўғрисидаги ҳужжатлар ҳам ғоят аҳамиятли.

Партияимиз жойларда бизнес вакиллари дуч келаётган муаммоларни ўрганиш ва қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқишни изчил давом эттиряпти.

Ўзбекистонда тадбиркорлар мамлакатига айлантириш – O'zLiDePнинг асосий мақсадларидан бири. Бу улкан вазифани бир неча ихтисослашган ташкилот удралай олмайди, албатта. Тадбиркорлик орқали фаровон яшаш бутун халқимизнинг чинакам хоҳиш-истагига айлансагина муроҳ ҳосил бўлади. Шу сабабли сиёсий куч томонидан таклиф ва татбиқ этилаётган турли-туман тадбирлар, лойиҳалар, акциялар воситасида одамларда ташаббускорлик, изланувчанлик, ишбилармонлик руҳи, кайфиятини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, тадбиркорга ҳурмат-эътибор юқори бўлган мамлакатларда иқтисодиёт тез суръатларда ривожланади. Зеро, бундай муҳитда инсонлар тавоқал қилишдан, янги ғояларни амалга оширишдан қўчимади. Жамиятдаги мавқеидан қатъи назар, ҳар бир киши хусусий сектор вакилини қадрлаши, унга хайрихоҳ бўлиши бизнес учун мисли кўрилмаган имкониятлар очди.

Партияимиз лойиҳалари жамиятда тадбиркорга бўлган муносабатини янада яхшилашга ҳисса қўиши билан ҳам ўзга хос аҳамият касб этади. Ана шундай истиқболли лойиҳалардан бири “Бизнес клуб”дир. Мазкур лойиҳа ушбу партиянинг инновацион ташаббусларидан бири бўлди. Ундан кўзда тутилган мақсад тадбиркорлар, депутатлар, давлат органлари ва экспертлар ўртасида доимий мулоқот майдонини шакллантиришдан иборат.

Лойиҳа доирасида қуйидаги бешта асосий формат жорий этилди: тадбиркорлар – партия – депутатлар – давлат органлари мулоқоти; “бизнес-ланч” шаклидаги учрашувлар; “бизнес коучинг” тадбирлари; форум ва кўргазмалар; доимий онлайн платформа.

Бу форматлар орқали тадбиркорлар ўз муаммоларини бевосита масъулларга етказиш, муваффақиятли бизнес кейслари билан танишиш, тажриба алмашиш ва янги шериклар топиш имкониятига эга бўлмоқда.

Энг муҳими, “Бизнес клуб” тадбиркорларнинг муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал қилиш механизминини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бу эса партиянинг “тадбиркорлар билан ҳамнафас бўлиш” тамойилининг амалий ифодасидир.

Яна бир лойиҳа “Депутатлар ва тадбиркорлар мулоқоти форуми” деб аталади ва бунда асосий эътибор муаммодан ечимгача қаратилмоқда. Ҳозиргача ушбу йирик лойиҳа доирасида ўн минглаб тадбиркорлар мушукули

осон бўлгани алоҳида эътирофга лойик.

Кўп ҳолларда тадбиркорлар дуч келаётган муаммолар қонунчиликдаги бўшлиқлар, маҳаллий даражадаги бюрократик тўсиқлар ёки амалиётдаги камчиликлар билан боғлиқ бўлади. Форум ана шу муаммоларни парламент ва маҳаллий кенгашлар даражасига олиб чиқиш имконини бermoқда.

Форум орқали тадбиркорларнинг муурожаатлари тўпланди, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади, назорат тадбирлари ташкил этилади. Натижада тадбиркорлар талаби қонун ижодкорлиги жараёнига таъсир кўрсатмоқда.

“Креатив тадбиркор ёшлар” – ийгит-қизларнинг инновацион ғояларини амалий бизнесга айлантириш, стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва креатив иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган республика миқёсидаги лойиҳа ҳисобланади. Ушбу ташаббус ёшларга тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш, молиявий саводхонлигини ошириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилапти. Республика бўйлаб, жумладан Тошкент шаҳри ва ҳудудлардаги олий ўқув юртлири ҳамда маҳаллаларда “Креатив тадбиркор ёшлар” форумлари ва лойиҳалари мунтазам ташкил этилмоқда. Ушбу тадбирларда маҳаллий тадбиркорлар ва давлат ташкилотлари вакиллари ёшлар билан очик мулоқот олиб бориб, уларнинг инновацион ташаббусларини рағбатлантирадлар.

Энг эътиборга лойик жиҳати, шу йил баҳорда старта берилган “Халқ билан бирга” умуммиллий дастурининг мақсади тадбиркорларни камбағалликни қисқартириш, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаш жараёнига оммавий жалб қилишдан иборат. Дастурнинг алоҳида диққатга сазовор жиҳати шундаки, у тадбиркорликнинг фақат бизнес юритиш воситаси эмас, балки ижтимоий масъулият институти сифатидаги ролини, айна пайтда ижобий имижини ҳам намойён қилмоқда. Ушбу дастур беш босқичли (муаммоларни аниқлаш; таҳлил ва таснифлаш; ресурсларни бирикитириш; амалий ёрдам кўрсатиш; назорат ва жавобгарлик) механизм асосида амалга оширилмоқда. Умуммиллий дастур доирасида “Бир оила – бир ҳомий” тамойили ҳам жорий этилмоқдаки, улар алоҳида мавзу. Яъни тадбиркорлар муайян оилаларни қўллаб-қувватлаш, ишсизларни иш билан таъминлаш, ёшларни касбга ўқитиш ва тадбиркорликка жалб қилиш ишларида иштирок этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, яна бошқа ўнлаб лойиҳаларимиз ҳам тадбиркорликни оммалаштиришга ҳисса бўлиб қўшиляпти. Асосий мақсад эса битта: барча саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириб, муаммоларга ечим топишимиз керак!

Қолаверса, ишбилармонлик муҳити йил сайин яхшиланиб бораётган бўлса-да, ҳозир ҳам тадбиркорларни ташвишлантираётган айрим муаммолар ҳали тўлиқ ҳал қилинган йўқ. Молиявий ресурслардан бемалол фойдаланиш имконияти, ер ажратиши, экспорт логистикаси, рақамли технологиялардан фойдаланиш даражаси пастлиги шулар жумласидан. Албатта бу каби масалаларда тадбиркорларга қўмаклашувчи ташкилотлар, жумладан, Бизнес-омбудсман билан ҳам ҳамкорликни янада кучайтирган ҳолда изчиллик билан ечим топишимиз лозим.

Мулолаға эмас, бундан дунё ғувоҳ – Ўзбекистон янги тараққиёт босқичига кириб бормоқда. Янги даврда иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи эркин ва кучли хусусий сектор бўлиши керак. Ватанимизни илғор давлатлардан бирига айлантиришнинг энг тўғри йўли – ҳар бир инсонда тадбиркорлик тафаккурини шакллантириш, ишбилармонлар кадр-қимматини юксалтириш ва мамлакатни тадбиркорлар мамлакатига айлантиришдир.

## ПАРЛАМЕНТ МИНБАРИГАЧА ЕТАКЛАБ КЕЛГАН ЙЎЛ

### Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси **Шаҳноза Холмаҳаматова** билан суҳбат

**– Шаҳноза, билишимча, сиз тўққиз ёшингизда ЎзТВда ишланган “Хуррият” фильмида Зулфияхоним ролини ижро этгансиз ва 11 ёшингизда ҳассос шоирамиз номидаги давлат мукофотига сазовор бўлгансиз. Бугунги сиёсий фаолиятингизда ва ҳаётий тутумларингизда вафо ва садоқат тимсолига айланган атоқли ижодкорга хос бўлган нафосат ва қатъиятнинг ўрни қанчалик сезилади? Қолаверса, ёшлигингиздан телевиденида бошловчилик қилгансиз. Камера олдида гапириш ва халқ вакили сифатида минбарда туриш ўртасида қандай ички боғлиқлик бор? Болалиқдаги ўша “Эртакчи қиз” бугунги депутат Шаҳнозага нималарни ўргатган?**

– Ҳақсиз, болалиқдаги тажрибаларим мен учун шунчаки хотира эмас, балки бугунги фаолиятимга таъсир қилган муҳим ҳаётий мактаб бўлганини англаяман.

Эслаётганимиз ўша фильмда ёшгина Зулфия образини ижро этганим менга ўзгача руҳ, ички маданият ва мардоналикни ўргатган. Бугун сиёсий фаолиятимда ҳам айнан шу жиҳатлар – вазирилик, масъулият ва принципиаллик муҳим ўрин тутаяди. Айниқса, инсонлар тақдирига дахлдор масалаларда фақат ақл билан эмас, қалб билан ёндашиш кераклигини англашимга ўша образ ҳам катта кўмак берган. Телевиденидаги бошловчилик эса мен учун мулоқот ва масъулият мактаби бўлган. Камерага қараб сўзлаш аниқ фикр, самимият ва аудиторияни ҳис қилишни талаб қилади. Бугун минбарга халқ вакили сифатида чиққанимда ўша тажриба фикримни тушунарли ва таъсирчан етказишда катта ёрдам беради. “Эртакчи қиз” эса менга одамлар билан самимий мулоқот қилишни ўргатган. Чунки инсонлар сенинг сўзингга ишонини учун, аввало, ўзинг ростиғи ва самимий бўлиши керак. Қисқача айтганда, болалиқдаги ижодий тажрибаларим бугунги сиёсий фаолиятимда қатъият ва самимият уйғунлиги сифатида намоён бўлиб келмоқда.

**– Шифокор-ўқитувчилар оиласида туғилган экансиз. Бундай муҳит одатда жуда қаттиқ тарбия ва масъулиятни талаб қилади. Оилангиздан олган энг катта тарбиявий дарс нима ва уни ўз фарзандларингизга қандай синдириясиз?**

– Тан ва руҳ уйғунлашган оилада, албатта, интизом ва масъулият биринчи ўринда туради. Чунки ҳар икки касбнинг замирида ҳам инсон тақдирини, келажагини турибди. Шунинг учун бизнинг хонадонда энг катта тарбиявий дарс – виждонга, қалбга қўлоқ тутиб яшаш, ҳар қандай ишнинг сидқидилдан бажариш ва инсонларга бепарқ бўлмаслик бўлган. Шифокорлик меҳри, ўқитувчилик сабри, бу фазилатлар уйимизда тарбиянинг асосий устуни эди.

Табийки, бугун мен ҳам бу қадриятларни фарзандларимга синдиришга ҳаракат қиламан. Масалан, уларга ҳар бир инсоннинг, ҳар бир жонотнинг, ҳар қандай катта-кичик ишнинг ҳам қадр-қиммати борлигини тушутираман. Сўз ва амал уйғунлиги, атрофдагиларга хурматда ва меҳрли бўлиш, Ватанини севиш, унга садоқат кўрсатишда қатъий бўлишга чақираман. Энг муҳими, уларга қуруқ гап билан эмас, ҳаётий намуна бўлиш орқали тарбиялашга ҳаракат қиламан. Чунки бола эшитганини эмас, кўрганини тақрорлайди. Қисқаси, оиладан олган сабоқларим оддий, лекин ҳаёт учун жуда кучли қоидалардир.

**– Мутахассислигингиз бўйича тарихчисиз. Музйини пухта ўрганган инсон келажакни кўра олади, дейишади. Қолаверса, бизнинг ўтмишимизда ҳам кучли аёллар тимсоли кўп. Сиз ўқиган тарихий манбаларда қайси аёл сиёмиси эки реал воқеа депутатлик фаолиятингизда энг қийин дамларда куч берадиган маънавий суянчиққа айланган?**

– Тарихчи сифатида ўтмишга инсонга куч, сабоқ ва йўл кўрсатадиган маънавий мерос сифатида қарайман. Айниқса, ундаги жасур ва матонатли аёллар тақдирини менга доим руҳий далда беради. Шундай сиймолардан бири Тўмарис. Унинг жасорати, эркинлик учун курашдаги мустақам иродаси ва халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўя олгани ҳар қандай аёл учун ҳақиқий ибрат мактабидир. Шу билан бирга, Бибихоним, Нодирабегим ва Увайсий, Қурбонжон додхоҳ каби юзлаб маърифатпарвар момоларимиз нафақат илм-фан ва маданият ривожига ҳисса қўшган, балки жамиятда аёлнинг ўрни ва таъсири қанчалик муҳим эканини амалда намоён этган. Жаҳон тарихидидаги Мари Кюри, Маргарет Тэтчер, Беназир Бхутто, Малала Юсуфзай ва Она Тереза, Индира Ганди қабилад эса билим, жасорат ва инсонпарварлик бобига қандай мислсиз ўзгаришларга эришиш мумкинлигини исботлагани алоҳида мавзу.

Айтишни керакки, тарихда ном қолдирган буюк аёлларга қай даражада хурмат-эҳтиром билан қараган бўлсам, бугун ҳам ён-атрофимизда ҳар соҳада ҳалол меҳнат қилиб, оила ва жамиятни тарбиялашдек юксак масъулиятни елкасида кўтариб келаётган мушфиқ оналаримизни шунчалик қадрлайман.

**– Бир мuddат мактабгача таълим бўлими мудир бўлиб ишлагансиз ва қисқа вақтда катта натижаларга эришгансиз. Кичик ёшдаги болажонлар билан ишлашдан кейин катталар сийсатига мослашиш қийин бўлмади? Қалбингиздаги ўша болажонликни сақлаб қолганман, дея оласизми?**

– Мактабгача таълим тизимига соҳада дастлабки ислохотлар энди бошланаётган даврда кириб келганман. Ва табиийки, сиёсат соҳасига ўтишим ҳаётимда кескин бурилиш ясади, десам муболаға бўлар. Чунки болалар билан ишлаш инсонда масъулият ҳиссини юксалтиради, боиси, халқимизнинг фарзандлари, уларнинг тарбияси ва келажаги ҳақида қайғуриш кишини ана шундай инсонга айлантиради-да. Ҳар қандай қарорни қабул қилишдан аввал масалага эҳтиёткорлик билан ёндашиш талаб этилади.

Алоҳида таъкидлашим керак, бугунги депутатлик давримда бу масъулият доираси янада кенгайди. Эн-

ди нафақат бир соҳа, балки жамият ва давлат тақдирига дахлдор қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этмоқдамиз. Шу маънода, болалар билан ишлаш даври мен учун катта ҳаётий ва бошқарув мактаби бўлган.

Қалбимдаги ўша болажонликни сақлаб қолишга келсак, мен бунга онгли равишда ҳаракат қиламан: мусаффо дунё вакиллари билан мулоқотни узмасликка, уларнинг дунёқарши ва фикрларини тинглашга ҳаракат қиламан.

бўлган: “Энди сен янада кўпроқ ишлашинг керак!”. Чунки бу орден шахсий меҳнатнинг эмас, жамият олдидаги масъулиятнинг баҳоси. У инсондан янада юқори талаб, янада теран ёндашув ва ишончни оқлашни талаб қилади. Ва ҳар сафар унга назар ташлаганимда, ўзимга бир савол бераман: “Бугун мен шу ишончга муносиб иш қила олдимми?”.



Энг муҳими, ҳар қандай мураккаб қарор олдида ўзимга: “Бу болаларимиз ҳаётига қандай таъсир қилади?”, деган саволни бераман. Чунки бола фақат келажақ эмас, бугуннинг ўзидир. Агар сиёсатда шу қарашни йўқотсак, бизнинг ҳаракатларимизда инсонпарварлик йўқолади.

Менинг фикримча, болажонлик – соддалик эмас, аксинча қалб поклигини, адолат туйғусини ва инсонга бўлган ишончни сақлаб қолишидир. Ана шу ҳиссиёт инсонга энг мураккаб вазиятларда ҳам тўғри йўлдан адашмасликка ёрдам беради.

**– Шерий китобингиз чиққан, қалбингизда ижодкорлик бор. Сиёсатнинг қатъий ва баъзан қуруқ қонуларни орасида шерийатга, нафосатга вақт ва жой қоладими? Сиз ҳам депутат, ҳам докторант, ҳам уч фарзанднинг онасиз. Бу учта масъулиятни ролни бир вақтда олиб боришда сийхат-саломатлик формулангиз борми ёки бу ерда ҳам Шаҳрисабз аёлларига хос чаққонлик сирини яширинми?**

– Шерийат мен учун алоҳида бир машғулот эмас, у қалбим эҳтиёжи, ички дунёмнинг овози. Шунинг учун сиёсат қанчалик қатъий, тартибли бўлмасин, инсон қалбидан нафосатга ҳар доим жой топилади. Баъзан бир неча сатр шерий инсонни узоқ таҳлиллардан ҳам чуқурроқ ўйга солади.

Ростини айтсам, ижодга алоҳида вақт ажратаман, дейишим қийин. Лекин шерийат ҳаётимнинг ичида яшайди: йўлда, тунги сукунатда, фарзандларим билан мулоқотда, ҳатто иш жараёнидаги кузатишларимда туғилади. Яъни бу сирли олам мендан ташқарида эмас, мен билан бирга!

Депутатлик, илмий ишларим ва оналикни уйғун олиб бориш масаласига келсак, бу ерда қандайдир идеал формула бор, деб айтмайман. Лекин мен учун ишлайдиган бир нечта тамойиллар бор: устуворликни тўғри белгилаш, ҳар кун қайси иш муҳимлигини англаб олиш, вақтни эмас, энергияни бошқариш. Инсон чарчаган пайтда унумдор бўлолмайди, шунинг учун дам олишни ҳам режалаштириш, айбдорлик ҳиссидан халос бўлиш, ҳамма нарсага бир вақтда улгурмаслик табиий ҳолат, асосийси, қилинган ишнинг сифати. Бунда яқинлар қўллови, оила энг катта таянч вазифасини бажаради!

Албатта, бу ерда Шаҳрисабз аёлларига хос чаққонлик ҳам бор (*табассум қилади*). Чунки бизникилар кўп вазириятни баробар бажаришга ўрганган, бу, масъулиятни қалбдан қабул қилишидир. Мен учун энг муҳим сийхат-саломатлик формуласи – руҳий мувозанат, жисмоний парваршиш, маънавий озуқа. Агар инсон қалбдан тинч бўлса, ўз ишининг маъносини ҳис қилса ва ўзини унутмаса, у ҳар қандай юкни кўтари олади. Шерийат эса менга ана шу мувозанатни сақлашда ёрдам беради.

**– Президентимиз томонидан “Дўстлик” ордени билан тақдирлангансиз. Бу мукофот кўксингизга тақилганда хаёлингиздан ўтган биринчи фикр нима бўлган – эришилган муваффақиятни ёки янги масъулият юки?**

– Масъулият! Бу вақтда инсон биринчи навбатда ўзини эмас, ортидаги ишончни ўйлайди. Чунки ҳар қандай давлат мукофоти – “сен эришдинг” деган нуқта эмас, балки “сенга ишонилим” деган бошланғичдир. Албатта, ўша пайтда шукроналик, давлатимиз раҳбарига, ота-онамга, устозларимга, мени қўллаб-қувватлаган инсонларга нисбатан жуда катта миннатдорлик туйғуси бўлган. Шу билан бирга, ичимда жуда аниқ бир фикр пайдо

**– Шаҳноза, сиз ўтган давр мобайнида сайловчилар билан кўплаб учрашувлар ўтказгансиз. Биламизки, депутатлик сўрови муаммони ҳал қилишнинг кучли механизми. Айтинг-чи, юборган қайси депутатлик сўровингизнинг натижаси сиз учун энг қадрли? Масалан, қайсида чекка қишлоққа ичимлик суви кириб бордини, мактаб таъмирландими ёки оғир вазиятда қолган бир аёлнинг тақдирини ижобий томонга ўзгартириб, сизга раҳмат айтди? Ана шундай кичик бир ғалаба ҳақида сўзлаб берсангиз.**

– Бугун юртимизда инсон қадрини улуғлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳар бир маҳалла ва ҳудудга чуқур кириб бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Биз ҳам ана шу ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш, жойлардаги муаммоларни бартараф этиш ва аҳоли муносабатларига ечим топишда фаол қатнашишга ҳаракат қилаялми.

Чунки тизим ва аниқ ишлайдиган механизм бўлмаса, ҳар қандай яхши ташаббусни амалга ошириш жуда қийин. Бугун яратилган самарали механизмлар, муносабатлар билан ишлаш тизими ва очиқ мулоқотлар орқали кўплаб муаммоларга амалий ечим топилоқда. Айнан шу ислохотлар ва яратилган имкониятлар туфайли биз жойлардаги масалаларни ҳал қилишда аниқ натижаларга эришялми.

Албатта, халқ вакили бўлиб ишлаш жуда катта масъулият. Чунки депутатлик фаолияти фақат қонун қабул қилиш билан чекланмайди, балки одамларни эшитиш, уларнинг муаммосини жойига чиқиб ўрганиш ва ечим топиш учун масъул идоралар билан ҳамкорликни ҳам талаб қилади. Ўтган давр мобайнида сайловчилар билан кўплаб учрашувлар ўтказдик, муносабатлари билан ишладик, депутатлик сўровлари ва парламент назорати механизмларидан фаол фойдаландик. Айниқса, мактаб, боғча, поликлиника каби ижтимоий объекталарни таъмирлаш ёки қуриш билан боғлиқ масалаларда мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиб, маблағ ажратилишига ҳисса қўшганимиз бизга катта куч беради.

Шунингдек, хотин-қизлар билан ишлаш жараёнида уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмаклашиш орқали ҳаётда ижобий ўзгариш бўлганини кўриш алоҳида руҳ бағишлайди. Яқинда “ташабусли бюджет” лойиҳалари доирасида маҳаллаларда амалга оширилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларида ҳам депутат сифатида ўз хиссамни қўшганимдан суюندим.

Ростини айтсам, мен учун энг қадрли деб битта ҳолатни ажратиш қийин. Чунки ҳар бир ҳал қилинган муносабат ортида инсон тақдирини, неча юзлаб оилаларнинг орзу-умидлари туради. Қайсида ҳудудда мактаб таъмирланиши, яна бир жойда ичимлик суви муаммоси ҳал бўлиши ёки бир аёлнинг ишли бўлиб, оиласида барқарорлик пайдо бўлиши, буларнинг ҳар бири мен учун қадрли. Чунки баъзан одамлар учун кичик кўринган масала кимнингдир бутун ҳаётига таъсир қилади. Шунинг учун ҳар бир муносабатга бепарқ бўлмаслик, уни ижобий ҳал этишга ҳисса қўшиш – депутатлик фаолиятимда энг катта маънавий қониқчи деб ўйлайман.

**– Ҳаётимизда ҳеч бир воқеа шунчаки содир бўлмайди, улар бизга муҳим хабарларни ҳада қилади, тўғрими? Сизни**

**ҳам ҳаётингизни, тафаккурингизни ўзгартирган ва унинг учун қалбингизда миннатдорлик туядиган китоб, фильм ё воқеа бўлганми? Энг охириги ўқиган (ёки ўқиётган) асарингиз қайси?**

– Албатта, мен ҳам айрим асарлар ва воқеаларни шундай қабул қиламанки, улар шунчаки ўқилган ёки кўрилган эмас, балки инсоннинг ички дунёсига таъсир қилган муҳим бурилиш нуқталари бўлган. Ўзбек адабиётидан менга катта таъсир қилган асарлардан бири – “Ўткан кунлар”. Асар инсон қадри, муҳаббат, ватан ва миллат тақдирини ҳақида жуда чуқур ўйлашга ундайди. Айниқса, Қодирийнинг миллат келажаги ва жамият ҳақидаги қарашлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

“Кеча ва кундуз” асарига эса инсон эркинлиги, маърифат ва жамиятдаги ички зиддиятлар жуда таъсирчан тасвирланган. “Улуғбек хазинаси” романи илм-фан, маърифат ва тарихий мероснинг нақадар буюк қадрият эканини яна бир бор англайди. “Дунёнинг ишлари” ва “Икки эшик ораси” асарлари эса инсоний муносабатлар, ота-она қадри, сабр ва ҳаёт ҳақиқатларини жуда самимий ва таъсирчан ёритиб беради. Бу асарларни ўқиганда инсон ўз ҳаёти, яқинлари ва қадриятлари ҳақида чуқур ўйга толади. “Юлдази туллар” ва “Навий” романлари орқали эса тарихий шахсларнинг нафақат буюклиги, балки уларнинг ички кечинмалари, маънавий дунёси ва миллат олдидаги масъулиятини ҳис қилиш мумкин.

Жаҳон адабиётидан эса “Алкимёгар” мен учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу китоб инсон ўз орзуси ортидан қўрқмасдан бориши, ҳар бир кишининг ҳаётда ўз йўли борлиги ҳақида жуда таъсирли ғояларни беради. Шунингдек, “Кичкина шаҳзода” ҳам мен учун жуда қадрли. У содда тилда ёзилган бўлса-да, инсон муносабатлари, самимияти ва масъулият ҳақида жуда теран маъноларни ўз ичига олади.

Кейинги йиллардаги ўзбек тарихий фильмлари орасида “Илҳақ” менда катта таассурот қолдирган. Бу киноасарда миллат тарихи, ватанпарварлик, маърифат ва инсон иродаси жуда таъсирчан ёритилган. Менимча, китоб ҳам, кино ҳам инсонни фақат билимий эмас, балки қалбдан бой, фикран теран ва ҳаётга таъсирчан нигоҳ билан қарашга ўргатадиган катта маънавий кучдир.

**– Менга шундай савол беришса-ю, дилдан жавоб берсам, деб ўйлаган пайтларингиз бўлганми? Агар шундай бўлса, марҳамат?**

– Ҳатто айрим пайтлар “Агар менга шундай савол берилса, қандай жавоб берган бўлардим?” деб ҳаёл қиламан. Чунки ҳамма саволга ҳам тайёр ёки осон жавоб топиш қийин.

Аслида, ҳаётнинг ўзи саволлардан иборат. Ҳар бир кунимиз, ҳар бир қароримиз, ҳар бир қадамимиз янги-янги сўроқларни қўймоқда. Шунинг учун ҳам бугун “Барча саволларимга жавоб топдим” дея олмайман. Ҳали олдида ўйланадиган, англанадиган ва амал билан жавоб бериладигани кўп. Муҳими, уларнинг тугаб қолмаслиги. Истардимки, умримиз мазмунли амаллар билан ўтсин, бериладиган ҳар бир саволга эса ҳаётимиз ва меҳнатимиз билан доим тўғри жавоб бера олайлик.

ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

# “САЛОМАТЛИК САРИ” СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси илгари сурган “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи фуқароларга тиббий хизматни яқинлаштиришга қаратилган “Саломатлик сари” акцияси изчил амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида энг чекка қишлоқ ва маҳаллаларга кўчма тиббий автобуслар орқали борилиб, бепул кўриқлар ташкил этилмоқда. Бу жараёнда республика ва ҳудудлардан жалб этилган энг малакали шифокорлар сифатли хизмат кўрсатяпти.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Айтиш жоизки, бугунги кунда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий маданиятни юксалтириш ва профилактикага эътиборни кучайтириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. “Саломатлик сари” акцияси эса халқ манфаати йўлидаги амалий ва инсонпарвар ташаббус сифатида аҳоли томонидан илқ қарши олинмоқда. Бу орқали инсонларда ўз саломатлигига масъулият билан ёндашиш ҳисси янада кучаймоқда.

“Мафтуна мед” хусусий клиника жамоаси ҳам ушбу хайрли ташаббусда фаол иштирок этиб келмоқда. Чунки инсон саломатлиги – жамият фаровонлиги ва миллат келажагининг мустаҳкам пойдеворидир.

Акция доирасида Амурдари тумани аҳолиси учун бепул тиббий кўриқлар ташкил этилди. Жумладан, 70 нафардан ортик аёлларнинг умумий саломатлик ҳолати текширилди, мутахассис шифокорлар томонидан керакли маслаҳат ва тавсиялар берилди. Уларнинг 11 нафаридан қон босими ва қанд миқдори юқори экани аниқланиб, қўшимча даволаниш бўйича йўланма берилди. Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 15 нафар хотин-қизга бепул дори-дармон тақдим этилди.

Биз ижтимоий масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, бундай хайрли ва савобли тadbирларда доимо фаол иштирок этишга тайёرمىз.



**Зулмурот ГАЙПОВА,**  
Амурдари туманидаги  
“Мафтуна мед” хусусий клиникаси шифокори

## НАМАНГАН

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш, инсон қадрини улуғлаш ва халқ билан очик мулоқотни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. O'zLiDeP амалга ошираётган “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳаётий ҳужжат халқ дардини эшитиш, муаммоларини жойида чиқиб ўрганиш ва амалий ечим топишга қаратилган муҳим ижтимоий лойиҳадир. Унинг асосий мақсади аҳоли билан яқин мулоқот ўрнатиш, инсонларни қийнаётган масалаларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этишда амалий кўмак беришдан иборат. Дастур доирасида партия фаоллари, депутатлар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари маҳаллаларга чиқиб, хонадонбай ўрганишлар олиб бормоқда.

Айниқса, “Саломатлик сари” акцияси аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида Наманган вилоятининг Чортоқ ва Косонсой туманларида ана шундай кенг қамровли тиббий акциялар ташкил этилди. Уларда 1 100 дан ортик аёллар, болалар, кексалар ва ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаролар иштирок этди.

Тиббий кўриқларга барча турдаги тажрибали шифокорлар жалб қилинди. Фуқаролар кўчма УТТ, ЭКГ, мобил рентген ва маммография аппаратларидан ўтишди. Кўриқлар натижасида 410 нафар фуқарога стационар даволаниш учун йўланма, 690 кишига эса амбулатор тавсиялар тақдим этилди. Эҳтиётиманд оилаларга 13 турдаги дори ва тиббий анжонлар етказиб берилди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган 8 нафар беморнинг хонадонига бориб, ҳолидан хабар олинди, кўриқдан ўтказилди.

Айниқса, Косонсой тумани Ифтихор маҳалласида ўтказилган тиббий кўриқдан аҳоли фоят мамнун бўлди. Кўчма тиббий автобусларда ташкил этилган хизматлар чекка ҳудудларда яшовчи фуқароларга енгиллик яратди. Энг муҳими, халқ давлат ва партия вакиллари билан амалий ёрдамини ҳис қилмоқда. Зеро, инсонлар дарди билан яшаш, уларнинг муаммосини эшитиш ва ҳал этиш – Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мезонидир.



**Солижон МҲМИНОВ,**  
O'zLiDeP Наманган вилояти кенгаши раиси

## ФАРҒОНА

Фарғона вилоятида O'zLiDeP томонидан ташкил этилаётган “Саломатлик сари” акцияси аҳоли соғлигини муҳофаза қилишда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Халқ манфаатига хизмат қилувчи ушбу хайрли ташаббусда “Меридиан” клиникаси жамоаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

“Халқ билан бирга” дастури доирасида фуқаролар учун навбатдаги бепул тиббий кўриқ ташкил этилди. Тадбир давомида аҳолига юқори малакали шифокорлар маслаҳатларини бериб, қон босими ва қанд миқдорини аниқлаш каби зарур тиббий хизматлар кўрсатилди. Айниқса, хотин-қизлар ҳамда кексалар саломатлигини алоҳида эътиборга олинди.

Партия томонидан соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва касалликлар профилактикасига эътиборни кучайтириш борасида олиб борилаётган бу каби ишлар бугун жуда долзарбдир. Бундай тadbирлар одамларда ўз соғлиғига бўлган масъулият ҳиссини янада кучайтирмоқда.

Энг муҳими, давлат ва хусусий тиббиёт ҳамкорлиги аҳолига сифатли ва замонавий тиббий хизматни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.



**Эркинжон ТИРКАШЕВ,**  
“Меридиан” клиникаси раҳбари

## ҚАШҚАДАРЁ

“Nasafmedservis” МЧЖ жамоаси ҳам мазкур акцияда фаол иштирок этиб, аҳолига сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатди. Бепул тиббий кўриқ давомида иштирокчиларнинг умумий саломатлик ҳолатини баҳоладик. Айниқса, аёллар ва кексалар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилди, улар учун профилактик тавсиялар тақдим этилди.

Партия ва тегишли ташкилотлар томонидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш, профилактика ишларини тизимли йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар бугунги кунда жуда долзарб аҳамият касб этмоқда. “Саломатлик сари” акцияси эса ана шу ислохотларнинг амалий ифодаси сифатида халқ манфаатларига хизмат қилмоқда.

Ушбу тadbирлар орқали аҳоли ўртасида ўз саломатлигига масъулият билан ёндашиш, касалликларнинг олдини олиш ва ўз вақтида шифокорга мурожаат қилиш маданияти янада мустаҳкамланмоқда.



**Дилрабо ШАРИПОВА,**  
“Nasafmedservis” МЧЖ директори

## АНДИЖОН

Тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётганимга ўн йилдан ошди. Шу касбим ортидан маҳалла-кўй, кўни-кўшни, қариндош-уруғларимга нафим тегаётганидан, зарур пайларда ёрдам кўрсата олаётганимдан, уларнинг саломатлигини тиклашга ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

2024 йилдан буён Халқ депутатлари Шахрихон туман кенгаши депутати сифатида ҳам фаолият кўрсатяман. Авваллари фақат шифокор сифатида элимизга сидқидил хизмат кўрсатиб келган бўлсам, депутатлик макомига эришгач, масъулият, ўзимга нисбатан талабчанлик, халқ олдида ҳисобдорлик ҳисси икки қарра ошди. Эндликда нафақат бизга мурожаат қилган беморларга, қолаверса, барча фуқароларга сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш, уларни соғломлаштириш, фаол кундалик ҳаёт тарзини тарғиб этиш, узоқ умр кўриш давомийлигини узайтириш каби муҳим вазифаларни амалга оширишга ҳиссамни қўшяпман.

“Шифокор” хусусий клиникамида O'zLiDeP вилоят ва туман кенгашлари фаоллари ташаббуси билан ҳудудимиздаги Терактаги, Янги ваҳм, Карнайчи, Шахрихон, Номозгоҳ, Муллабой, Бувайдо маҳаллаларида яшовчи, “Аёллар”, “Ёшлар” дафтарларига киритилган, ногиронлиги бор ҳамда кекса фуқаролар учун икки мар-

та тиббий кўриқ ташкил этдик. Унда 250 дан ортик фуқаро иштирок этди. Хасталиклари аниқланган аёлларда тегишли муолажалар ўтказилди, тавсия ва маслаҳатлар, бир гуруҳига эса бепул даволаниш учун йўланма берилди.

Энг муҳими, улар бундай эътибордан хурсанд бўлиб, миннатдорлик билдиришди. Бундай фойдали кўриқларни тез-тез ўтказишни режалаштириб олдик.



**Ҳасанбой ОДИЛОВ,**  
“Шифокор” хусусий клиникаси бош шифокори,  
Халқ депутатлари Шахрихон туман  
кенгаши депутати

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

“Саломатлик сари” акцияси аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва тиббий маданиятни оширишга қаратилган муҳим ташаббусдир. Айниқса, фуқаролар ўз саломатлигига бепул бўлмастлик кераклигини яна бир бор англаб етмоқда.

Биз учун, энг муҳими, аҳолига сифатли ва тезкор тиббий хизмат кўрсатишдир. Бугунги тadbирда кўплаб фуқаролар шифокорлар кўригидан ўтиб, уларнинг қизиқтирган тиббий масалалар бўйича маслаҳат олиш имкониятига эга бўлишди.

“ANFA” клиникаси жамоаси бундай ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларда доим фаол иштирок этишга ҳаракат қилади. Чунки инсон саломатлиги – жамият тараққиёти ва фаровонлигининг энг муҳим омилдир. Тадбирни ташкил этишда ҳамкорлик қилган O'zLiDeP Тошкент шаҳар ва Юнусовод туман кенгашларига миннатдорчилик билдираемиз. Келгусида ҳам аҳоли манфаати йўлида бундай хайрли ташаббуслар давом этади ва унда биз ҳам ҳисса қўшамиз, деган умиддамиз



**Азиз МИХЛЕЕВ,**  
“ANFA” клиникаси раҳбари

## Севара МУСЛИМОВА, O'zLiDeP Аёллар муаммоларини ўрганиш ва ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш бўлими мудир:

– Ҳозиргача юртимиз бўйлаб ўтказилган “Саломатлик сари” акцияси тadbирларида **20 мингдан ортик фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилди.** Шундан юзлаб хотин-қизлар, кексалар ва ёшлар эндокринолог, кардиолог, онколог, гинеколог, терапевт каби **15 дан ортик мутахассисларнинг** чуқурлаштирилган текширувидан ўтди. **1 578 нафар фуқарога стационар даволаниш учун йўланма, 2 790 нафарига амбулатор тавсиялар берилди.** Замонавий диагностика усуллари – УТТ, ЭКГ, маммография каби текширувлар ҳам бепул амалга оширилди.



Акция доирасида, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, эҳтиётиманд оилаларга **492 турдаги дори ҳамда 685 та тиббий анжон** етказиб берилди. Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва оғир дард билан курашаётган фуқароларнинг хонадонларига бориб, ҳолидан хабар олинди, молиявий ва маънавий кўмак кўрсатилди.

Қувонарлиси, замон талабларига жавоб берадиган хусусий клиникалар ва уларнинг фидойи шифокорлари лойиҳамизда фаол иштирок этиб, уларнинг юксак ижтимоий масъулиятини кўрсатмоқдалар. Бундай ҳамкорлик чекка ҳудудлардаги аҳолига ҳам сифатли тиббий хизматни бепул етказиш имконини берапти. Зеро, хотин-қизларимиз соғлом бўлса, оиламиз, жамиятимиз ва келажагимиз мустаҳкам бўлади.

Бугун сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи нафақат аграр тармок, балки мамлакат иқтисодий хавфсизлиги ва озиқ-овқат барқарорлиги билан бевосита боғлиқ стратегик йўналишга айланмоқда. Жумладан, иқлим ўзгариши, сув ресурслари танқислигининг кучайиши ва қишлоқ хўжалигида сувга бўлган талабнинг ортиши соҳада мутлақо янги ислохотлар амалга оширилишини тақозо этмоқда.

## ИҚТИСОДИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 26 майдаги “Сув хўжалиги соҳасида бозор механизмларини кенг жорий қилиш чора-тadbирлари тўғрисида”ги фармонини соҳадаги ислохотларнинг навбатдаги муҳим босқичи сифатида баҳолаш мумкин. Мазкур ҳужжат сув хўжалиги тизимини молиявий, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан такомиллаштириш, соҳага хусусий сектор иштирокини кенг жалб қилиш ҳамда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида ҳар бир гектар ер иқтисодий аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, вақтинча бўш турган, аммо агротехник жиҳатдан фойдаланиш мумкин бўлган ер майдонларини иқтисодий айланмага киритиш муҳим жараён. Бу фермер ва тadbиркорлар учун қўшимча ишлаб чиқариш имкониятини яратса, иккинчи томондан ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фармонда тозаланиши лозим бўлган сув хўжалиги объектлари бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқувчи учун иттиҳослашган ва нуфузли ташкилотларни жалб этиш белгиланган. Бундай ёндашув амалга оширилаётган ишларнинг техник-инженерлик талаблари, пухта ҳисоб-китоблар ҳамда илмий асосланган ечимлар негизда ташкил этилишини таъминлайди. Маблағлардан самарали фойдаланиш, қурилиш ва реконструкция ишларининг сифати ҳамда узоқ муддатли натижадорлигини оширади.

Шунингдек, ҳужжатда сув хўжалиги тизимига хусусий секторни кенг жалб этиш, давлат-хусусий шериклик муносабатларини ривожлантириш ва бозор механизмларини жорий этишга қаратилган вазифалар ҳам белгиланган. Бу эса соҳада рақобат муҳитини шакллантириш, хизматлар сифатини ошириш ва бошқарув самарадорлигини янада кучайтириш учун мустаҳкам замин яратяди.

Умуман олганда, бу фармон сув хўжалигини фақат маъмурий бошқарув орқали эмас, балки иқтисодий манфаатдорлик, бозор тамойиллари, хусусий сектор иштироки ва замонавий менежмент усуллари асосида ривожлантиришга қаратилган муҳим стратегик ҳужжат ҳисобланади. Айниқса, фермер хўжаликлари, сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда қишлоқ хўжалиги субъектлари учун ушбу ислохотлар сув таъминотининг барқарорлигини таъминлаш, ирригация ва мелиорация инфратузилмасини яхшилаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини мустаҳкамлаш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш нуқтаи назаридан катта аҳамият касб этади.

Бугунги кунда иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг чекланганлиги ва аҳоли ҳамда иқтисодиёт тармокларининг сувга бўлган эҳтиёжи ортиб бораётган шaroитда мазкур ислохотларнинг аҳамияти янада ортади. Чунки сув – нафақат қишлоқ хўжалиги, балки мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли фаровонлигининг муҳим кафолатидир.

Энг муҳими, сув хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади сувдан тежамкор ва самарали фойдаланиш маданиятини шакллантириш, соҳага замонавий бошқарув ёндашувларини кенг жорий этиш, рақамли технологиялар имкониятларидан унумли фойдаланиш ҳамда аграр тармокнинг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам асос яратишдан иборатдир.



**Барно МИРЗАМОВА,**  
Ўзбекистон Фермерлари кенгаши  
масъул ходими

## ИМКОНИАТ

# КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

## ёхуд O'zLiDeP Чилонзор туман кенгаши раиси Мадаминжон Назировнинг тадбиркорлик фаолиятига бир назар

Уч қарра меҳнат қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номи халқимиз хотирасида фидойилик, матонат ва юртга садоқат тисмоли сифатида муҳрланиб қолган. У кишининг ҳаёт йўли, халқ манфаати йўлидаги серқирра фаолияти бугун ҳам кўпчилик учун ибрат бўлиб хизмат қилади. Қувонарлиси, ана шундай машхур сулола вакиллари орасида илм-фан, техника ва тадбиркорлик соҳасида муносиб меҳнат қилиб, аждодлар анъанасини давом эттираётган инсонлар ҳам бор. Шулардан бири – “PGS” корхонаси раҳбари Мадаминжон Назировдир.

Бугунги кунда у раҳбарлик қилаётган “PGS” корхонаси инновацион ечимлари, энергия тежовчи технологиялари ва экологик хавфсиз маҳсулотлари билан кенг жамоатчилик эътиборини қозонмоқда. Энг аҳамиятли жиҳати шундаки, мазкур корхона қарийб ўттиз уч йилдан буён барқарор фаолият юритиб келмоқда. Жаҳон таърибасида кичик корхоналарнинг аксарияти 10–15 йилдан кейин ўз йўналишини ўзгарилади, бошқа субъектлар билан бирилади ёки фаолиятини тугатади. Шу нуқтаи назардан қараганда, “PGS”нинг ўттиз уч йиллик фаолияти катта таъриб, мустақам бошқарув ва бозор талабларини тўғри англаш маҳсули эканини кўрсатади.

Мадаминжон Назиров бу муваффақият сирини корхона фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ белгилаб олинган устувор тамойиллар билан изоҳлайди. Яъни корхона учун фақат фойда олиш эмас, балки миллий манфаатлар, халқ ҳўжалиги эҳтиёжлари ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш асосий мақсад қилиб белгиланган. Шу боисдан ҳам корхонада яратилаётган маҳсулотлар, аввало, тежамкор, хавфсиз ва халқ учун манфаатли бўлишига катта эътибор қаратилган.

Айниқса, бугун дунё миқёсида энергия тежовчи технологияларга талаб ортиб бораётган бир пайтда “PGS” маҳсулотлари ўзининг амалий аҳамияти билан ажралиб туради. Корхонада тайёрланган “PGS”-020 русумли мини новвойхоналар кўплаб тадбиркорлар ва ху-



сий ишлаб чиқарувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу печлар хорижий ўхашларига нисбатан анча кам энергия сарфлайди. Масалан, анъанавий печларда 40–60 дақиқа вақт талаб қиладиган нон ва қандолат маҳсулотлари мазкур ускуналарда 15–20 дақиқада тайёр бўлади. Бу эса вақт тежалиши билан бирга электр ёки газ сарфининг ҳам сезиларли даражада камайишини таъминлайди.

Корхона томонидан ишлаб чиқарилаёт-

ган печлар нафақат иқтисодий самарадорлиги, балки экологик жиҳатдан хавфсизлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бугунги кунда энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш бутун дунёда долзарб вазифага айланган. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, оддий ошхона печларида ёқилғи энергиясининг атиги 5 фоизига яқини самарали ишлатилади, қолган қисми эса ҳавога чиқиб кетади. “PGS” мутахассислари айнан мана шу муаммога ечим

тириш имконини беради. Бу эса тадбиркорлар учун харажатларни қисқартириш, аҳоли учун эса арзон ва сифатли хизматлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Корхонамиз фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши – маиший ва саноат иситиш ускуналари ишлаб чиқаришдир. Бугун бозорда турли хил печлар ва иситгичлар кўп. Бироқ уларнинг аксариятида иссиқликнинг катта қисми ҳавога чиқиб кетади. “PGS” томонидан ишлаб чиқилган иситиш жиҳозларида эса иссиқликни сақлаш ва уни хона бўйлаб бир текис тақсимлашга алоҳида эътибор берилган. Натижада ёқилғи сарфи камайди, ҳаво камроқ ифлосланади ва фойдаланувчи учун қўлай муҳит яратилади.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган мангаллар, сауна учун мўлжалланган жиҳозлар ва бошқа техника воситалари ҳам ўзининг амалий қиймати билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Энг муҳими, ушбу маҳсулотларнинг аксарияти маҳаллий муҳандислик тафаккури асосида яратилган. Бу эса миллий саноат салоҳияти ошиб бораётганининг ёрқин намунасидир. Корхонанинг йигирмадан зиёд патентга эга экани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Мадаминжон Назиров Киев авиация институтида таҳсил олган бўлиб, у ерда олган техник билим ва амалий таърибаларини бугун мамлакатимизда ишлаб чиқариш соҳасида самарали қўллаб келмоқда. У техник тафаккур ва тадбиркорлик қобилиятини уйғунлаштира олган раҳбарлардан бири сифатида эътироф этилади. Унинг бошқарув услубида жамоа фикрига қўлоқ тутиш, инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва ҳар бир ходим меҳнатини қадрлаш муҳим ўрин тутаяди.

Айниқса, корхона қошида ташкил этилган ўқув маркази эътиборга лойиқ. Бу ерда ёшлар электр қурилмалари ва замонавий техника жиҳозларини ишлаб чиқариш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлади. Кўплаб мутахассислар аввал мазкур марказда таҳсил олиб,



кейинчалик корхонада иш бошлаган. Бу эса “PGS” нафақат маҳсулот ишлаб чиқараётган, балки малакали кадрлар тайёрлаётган маскан эканини ҳам кўрсатади.

Бугун мамлакатимизда миллий саноатни ривожлантириш, энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этиш ва маҳаллий иختироларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ана шундай шароитда “PGS” каби корхоналарнинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Чунки бундай корхоналар нафақат иқтисодий манфаат келтиради, балки янги иш ўринлари яратаяди, маҳаллий муҳандислик мактабининг ривожланишига ҳисса қўшади ва экологик барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилади.

Энг муҳими, аждодлардан мерос бўлиб келаятган меҳнатсеварлик, яратувчанлик ва илганувчанлик анъанаси янги авлод фаолиятида ҳам муносиб давом этаётганидир. Ҳамроқул Турсунқуловдан бошланган меҳнат ва фидойилик мактаби бугун унинг ворисларидан бири Мадаминжон Назиров фаолияти миқёсида замонавий саноат ва инновациялар билан уйғунлашиб, юртимиз тараққиётига хизмат қилмоқда.

Ўз мухбиримиз

## АРХИВЛАР ФАОЛИЯТИ

# Халқнинг миллий хазинаси

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари қатори архив тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Бугун архивлар шунчаки ҳужжат сақланадиган ёпиқ бинолар эмас, балки очиқлик, шаффофлик ва замонавий технологияларга таянган муҳим давлат муассасаларига айланиб бормоқда. Айниқса, архив соҳасини коррупциядан холи тизим сифатида шакллантириш, фуқароларга қўлай ва адолатли хизмат кўрсатиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос тарихий хотираси бўлади. Ана шу хотира, энг аввало, архив ҳужжатларида муҳасам. Архивлар халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini боғлаб турувчи маънавий кўприк вазифасини бажаради. Уларда давлат ҳужжатлари, тарихий манбалар, илмий ишлар, шахсий архивлар, ҳуқуқий маълумотлар ва жамият ҳаётига дахлдор кўплаб муҳим ҳужжатлар сақланади. Шу боис архив соҳасининг ишончли ва

шаффоф фаолият юритиши давлат ва жамият тараққиёти учун беқиёс аҳамиятга эга.

Чунки архив ҳужжатлари орқали тарихий воқеалар ўрганилади, давлатчилик тарихи тикланади, жамият ривожланиш бошқичлари таҳлил этилади, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Масалан, ер ҳужжатлари, меҳнат стажи, суд қарорлари ёки мулкка оид маълумотлар айнан архивларда сақланади. Шунинг учун ҳам архивлар “миллат хотираси хазинаси” деб аталади.

Афсуски, бу соҳада ҳам коррупциявий ҳолатлар кузатилиши мумкин. Ҳужжатларни яшириш, маълумотларни пул эвазига бериш, тарихий фактларни сохташлари ёки ноқонуний ҳужжатлар тайёрлаш каби ҳолатлар нафақат давлат тизимига, балки тарихий ҳақиқатга ҳам катта зарар етказаяди. Айрим манфаатдор шахслар архив ҳужжатларини ўзгариштириш ёки яшириш орқали ўз мақсадларига эришишга уриниши мумкин. Бу эса келажак авлоднинг нотўғри маълумотлар асосида тарбияланишига, илм-фан тараққиётига салбий таъсир кўрсатишига сабаб бўлади. Чунки ҳар қандай тарихий тадқиқотнинг асосий манбаси – архив ҳужжатлари ҳисобланади. Сунгги йилларда архив соҳаси-

да амалга оширилаётган энг муҳим ислохотлардан бири ҳужжатларни рақамлаштириш жараёни бўлмоқда. Илгари биргина архив маълумотномасини олиш учун ҳафталаб сарсон бўлиш, турли идораларга қатнаб юриш ёки “таниш-билиш” излашга тўғри келар эди. Бугун эса “Электрон архив” тизими бу каби муаммоларга деярли нуқта қўйди. Ҳужжатларни рақамли форматга ўтказиш орқали инсон омили камаймоқда, маълумотларни яшириш имконияти қисқармоқда, хизмат кўрсатиш тезлашмоқда ва ҳар бир амал электрон тарзда қайд этилаётгани туфайли шаффофлик таъминланмоқда.

Айниқса, Давлат хизматлари марказлари ҳамда [mu.gov.uz](http://mu.gov.uz) портали орқали архив маълумотномаларини олиш имкониятининг яратилгани соҳадаги муҳим антикоррупциявий қадамлардан бири бўлди. Энди фуқаролар уйдан чиқмаган ҳолда мурожаат юбориш имкониятига эга. Бунинг натижасида мурожаатчи ва архив ходими ўртасидаги бевосита мулоқот кескин камайди. Маълумки, инсон омили камайган жойда тамағирлик ва порахўрликка ҳам ўрин қолмайди. Барча хизматлар белгиланган тартиб ва қонуний мезонлар асосида амалга оширилмоқда.



Архив тизимида ички комплаенс-назорат механизмларининг жорий этилгани ҳам коррупциявий хавфларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун ҳар бир ходимнинг фаолияти ички аудит орқали назорат қилинмоқда, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймайди алоҳида эътибор қаратилган. Архив ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда ҳалоллик ва масъулият тўғрисида мустақамлаш борасида ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, архив ҳужжатларини сохташлари ёки уларга ноқонуний ўзгариштириш қиритишга қарши жавобгарлик чоралари янада кучайтирилди. Архив муассасаларида замонавий кузатув камералари, биометрик рухсатнома тизимлари ва махсус муҳофаза хоналари жорий этилгани ҳужжатлар дахлсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Халқаро таърибга асосида ҳужжатларни сақлашнинг замонавий усуллари қўлланилаётгани ҳам архив тизимининг ишончлигини оширмоқда.

Архив соҳасини ривожлантиришда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳам муҳим омил саналади. Бугун фуқаролар ўз ҳуқуқларини яхши билади, хизматлар учун белгиланган

тўловлардан хабардор. Бу эса турли ноқонуний талаблар ва коррупциявий ҳолатларга қарши муҳим тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, архив ходимларига муносиб меҳнат шароити ва рағбатлантириш тизимининг яратилгани ҳам уларни ҳалол меҳнат қилишига ундаётди.

2026 йил 1 июндан бошлаб архив хизматларини рақамлаштириш мақсадида Ягона миллий архив ахборот тизимини жорий этиш белгилангани соҳада янги бошқични бошлаб берди. Унга кўра, барча рақамлаштирилган архив ҳужжатлари ягона электрон тизимда сақланади. Қимматли ва ноёб ҳужжатлар, мол-мулк ва ерга оид архив материалларини рақамлаштириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилиши режалаштирилган. Кейинги босқичларда кино, фото, фоно ҳамда илмий-техник архив ҳужжатлари ҳам рақамли шаклга ўтказилади. Бу жараён нафақат архивларни асраб-авайлаш, балки аҳолига тезкор ва шаффоф хизмат кўрсатиш имкониятини янада кенгайтиради.

Ўзбекистон архив тизимининг тарихи ҳам жуда бой ва мураккаб жараёнларни ўз ичига олади. 1924 йилда Ўрта Осиё (ҳозир Марказий Осиё)да миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши натижасида архив фондла-

ри янги ташкил этилган республикалар ўртасида тақсимланган. 1924 йил 28 декабрда ЎзССР Марказий Ижроия қўмитаси ҳузурида Архив иши марказий бошқармаси ташкил этилган бўлиб, кейинчалик республикада Ягона давлат архив фонди шакллантирилди. 1925–1929 йиллар давомида юзлаб архив фондлари қабул қилиниб, минглаб ҳужжатлар давлат сақловига топширилди. Кейинги йилларда марказий давлат архивлари, ҳарбий архивлар ва кино, фото, фоно ҳужжатлар архивлари ташкил этилди. Ҳатто Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам архив соҳасига бўлган эътибор сусаймагани халқ тарихи ва давлат хотирасига бўлган юксак муносабатдан далolat беради.

Бир сўз билан айтганда, архив – миллатнинг кечаги кунни, бугуни ва эртанги истиқболини боғлаб турувчи бебаҳо маънавий бойлик. Бу бебаҳо неъматни асраб-авайлаш, шаффоф ва адолатли тизимга айлантириш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Мусурмон РЎЗИЕВ,  
“XXI asr” мухбири

Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.



БЎЛАР ЭКАН-КУ!

СОН + СИФАТ + НАРХ = САМАРА

УШБУ МАТЕМАТИК ТЕНГЛАМА ФАРМАЦЕВТИКАДА ҚАНДАЙ ИШЛЯПТИ?

...Қон босимини меъёрда сақлаш учун шифокор тавсияси билан уч йилки ҳар кун эрталаб бир дона халдорин чечам. Бунинг учун ҳар ойда юз минг сўм пулим кетарди. Март ойидан бошлаб ўша дорини кишлоқдаги онлавий поликлиниканинг элатимизга биржитилган ҳамшира келтириб бера бошлади. Яна денг, текинга!



...Қўшнимиз сурункали хасталикка чалинган. Аксар ойлари дори-дармонга пенсиясининг ярмини сарфлаган вақтлари бўлган. Яқинда у қувониб гурунғ бериб қолди: "Мен ичадиган дорилар нархи қирқ фоиз арзонлаштирилди - дорихонага борсам, шу янгилик. Халқини уйлайдиган давлат раҳбарига мингдан-минг раҳмат!"

Эшитганларим, ўз танамда синиб кўрганларим фармацевтика соҳасини жиддий ишлаш борасидаги таъсирчан қарор ва бошламаларнинг илк натижаси. Ислохот қурқ сўз эмас, амалий ишлар билан аллақачон самарасини бера бошлади. Айрим фармацевт дорихона эгаларининг дори-дармонни бизнесга айлантиришгани каби ҳолатларга чек қўйилмоқда, зарур ва камёб воситаларни ўзимизда ишлаб чиқариш учун кластер ташкил қилинган. Энг асосийси, нарх назоратга олинган.

...Сарлавахга чиқарилган математик тенглама бозор иқтисодиётининг асоси - олтин қоида. Бу формулада мусбат ва манфийлик тадбиркор, яъни ишлаб чиқарувчига тегишли бўлса, самара - истеъмолчига тааллуқли. Бозор иқтисодиётининг негизларидан бири бўлмиш рақобатни ҳам тенгламага қўйиш керак аслида. Сабаби рақобат бўлмаса, сон, сифату нарх қозончининг эркида қолади. Самарадорлик қай даражада бўлмасин, икки ўртада норозилик келиб чиқishi табиий.

Мижоз рўзғор буюми харид қилса-ю, маҳсулот яроқлилик муддатидан олдин сифатсизлиги учун ишдан чиқса, қўл силтаб янгисини олиши мумкин. Нарв борса, сотувчига эътирозини айтар. Аммо дорихонадан харид қилган дори воситаси сифатсиз чиқса-чи? Шундоқ ҳам дарз кетган соғлиқни қайта тиклашга қанча вақт кетади?

Мавзумиз айнан дори-дармон ишлаб чиқариш ва савдоси мутаносибми-йўқлиги хусусида.

Олдиндан миннатдорлигимизни билдирдик. Президентимизнинг ташаббуси билан 1 апрелдан 69 номдаги дори воситалари беморларга бепул берилиши қатъий белгилаб қўйилган ва икки минг турдаги дорилар учун нархлар қайта шакллантирилган. 1 июлдан яна 2 500 (!) турдаги дорилар нархи пасайтирилди. Бу янгилик шуниси билан аҳамиятлики, аҳоли дориларни арзонроқ, яъни тасдиқлан-

ган нархларда сотиб олиш билан бир қаторда дорихоналардаги нарх-навоми назорат қилиш имконига эга бўлади. Фуқаролар "PharmUz" иловаси орқали дори нархларини текширишлари ва қиммат сотиш ҳолатлари бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

69 турдаги дори воситалари айрим турдаги хасталиклардан сақланаётган ва даволанаётган фуқароларга текин берилиши учун ҳар ойда бюджетдан катта миқдорда маблағ ажратилмоқда. Бу "текинлик"дан фармацевтика корхоналари зарар кўрмайди. Аммо аллақачон 40 фоизга арзонлаштирилган икки минг турдаги (яқинда бу рақам тўрт ярим мингга етади) дори-дармонлар кимнинг ҳисобидан, деган савол ўртага чиқади. Биринчи ва асосий сабаби, мазкур турдаги дори-дармонлар ўзимизда, кластер мақомида ишлаб чиқарилаётгани. Иккинчиси, муқаддам таннарх инобатда олинмасдан нарх белгилангани. Учинчиси, тармоқ мониторинг қилиниб, қатъий назоратга олингани.

Расмий маълумотларга қараганда, ҳозирда юртимизда бир минг икки юзга яқин дори-дармон ишлаб чиқарувчи

фармацевтика корхоналари бор экан. Бу жуда катта рақам. Киёслаш учун, собиқ шўро даврида бутун мамлакатда атиги 89 та шундай корхона фаолият юритган. Айрим хасталиклардан сақлашни ёки даволанишда асосатидан дорилар камёблигидан ҳатто олибсатарлар томонидан яширин, бир неча баробар қиммат сотилган. Эсимда, 1977 йил кузида Хоразм воҳасида юқумли гепатит хасталиги тарқалди. Кишлоғимиздаги касалхона беморларга тўлиб, хоналар етишмай, дахлизларда омонат кроват ва ҳатто полда ётиб даволанганлар бўлди. Камина ҳам шу хасталикни юқтириб, ун беш кунча муолажа олдим. Бизларга фақат оддий ҳап дори беришарди, холос. Касалланган жигарни ювиш учун зарур Гемодез деган дори анқонинг уруғига айланганди. Отам раҳматли Ҳазорасп бозорда яширин савдо қиладиган олибсатарлардан ҳар шивасини элик сўмдан (ўша маҳаллари бунча пулга бундайроқ бир кўй беради) икита Гемодез топиб келган. Даволаниш тўлиқ бўлмагани, бошқа зарур дори-дармонларни топа олмаганимиз учун хасталик бир умр асоратини қолдирган. Саксонинчи йил-

лар бошида катта олам туғуқ асоратидан хасталик ортириб, анча даволанган, саломатлигини тўла тиклаш учун ҳар кун қандайдир дори ичиб юриши керак эди. Қани ўша дори? Кутиси уч сўм элик тийин турадиган препаратни ташилардан элик сўмга зўрға толардик.

Ҳозир-чи? Исталган дори-дармонни ҳатта маҳалладаги дорихонадан ҳам топиш мумкин. Соҳа мутахассисларининг айтишларича, ҳозирда сотувда саккиз минг турга яқин дори-дармон мавжуд экан. Бу яхши. Аммо айнан юртимизда дорихоналарнинг хусусийлаштирилгани, ҳар қишлоқда бир эмас, беш-олтидан дорихона фаолият бошлагани бозор иқтисодиётининг "рақобат нарх-навоми муътадиллаштириши, пасайтириши" ҳақидаги қоидаларига тескари натижа бера бошлади.

Оддий мисол: бир дорининг ёнма-ён жойлашган дорихоналарда икки хил нархда сотилиши одатий ҳолатга айлангани сир эмас. Охириги йилларда фуқаролар энг кўп норози бўлган, эътирозлар билдирган, оммавий ахборот воситаларида танқидий чиқишлар мавзуси айнан фармацевтика бўлгани бежиз эмасди.

Яна ориқли бир гап. Дорихонадан қайсидир дори сўрасангиз, "Бунинг икки хили бор. Бириси ўзимизда ишлаб чиқарилган, иккинчиси четдан келтирилган. Хорижийки сал қимматроқ, аммо таъсири зўр", деган галати гапни ҳозирам эшитиб қоламиз. Бу билан дорихона эгаси маҳаллий воситаларни ерга урар, одамларда ишонсизлик уйғотар, четникини қимматга сотиб, яхшигина фойда кўришни ким билмайди. Шифокорлар эътирофича, аслида четдан келгани ва ўзимизда тайёрлангани орасида ҳеч қандай фарқ йўқ экан. Фарқ фақат нархда! Шу ўринда хўрозқанд четники деса, ётиб ялашга ўргатилган оломон эсга тушади...

Ва ниҳоят, "ҳаддини унутган" тизим назоратга олин-япти. Ижобий натижалар узоқ куттирмади - икки ой ичида кўринди-қолди. Муқаддам дорини фақат электрон рецетп орқали сотиш тажрибаси бир муддат синовдан ўтказилди, аммо ҳали тизим бунга тўла тайёр эмаслиги маълум бўлган, бу тартиб тўхтатилди. Аслида, мазкур янгилик ҳам коррупцияни юзага чиқаришда, "шифокор-дорихоначи бизнеси"га чек қўйишда муҳим қадам эди. Вақт келади, албатта, ушбу бошлама амалиётга айланади, деб ишонамиз.

...Бозор иқтисодиётининг олтин қоида: "сон + сифат + нарх = самара" формуласи фармацевтика соҳасида жуда катта бурилиш бошланаётганидан нишон. Бу инсон саломатлиги билан боғлиқлиги учун ғоятда эътиборли, ғоятда савобли, ғоятда муҳимдир!

Рўзимбой ҲАСАН, "XXI asr" мухбири

МУТОЛАА

Охири қандай бўларкин?

Қачондан бери бир нарсани ўйлаб ўйимга етолмайман. Бу дунёда ҳамма нарса сотилади ва сотиб олинади, деган ақида билан яшайдиганлар охиратни ҳаёлига келтирармикин? Ё у дунёга борганда ҳам шайтон билан тил бириктириб, дўзахга чап бераману жаннатнинг энг гуллаган жойини сотиб оламан, деб ишонармикин? Шуларга ўзинг инсоф бер, Яратган Эгам!

Гуноҳи азим

Дўстни хўрлаш - гуноҳ. Умр йўлдошини хўрлаш - юз ҳисса гуноҳ. Ота-онани хўрлаш - минг ҳисса гуноҳ. Гўдакни хўрлаш - чексиз гуноҳ...

Офтоб

Яхшиямки Худо офтобни бағри кенг қилиб яратган. Бўлмаса ер юзидаги одамларнинг иллатларини ҳар кун куравериб, аллақачон сўниб қолган бўлармикин...



Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Содда ФАЛСАФА

Мункиллаб қолган аммам бўларди. Художўй кампир эди. Болалигимда олди-га ўтказиб қўйиб, бир гапни кўп айтарди.

У қулоқ, бу қулоғинг билан эшитиб ол, болам. Одамнинг у елкасида ҳам, бу елкасида ҳам биттадан фаришта ўтиради. Ўнг елкадангиди фаришта умр бўйи қилган савоб ишларингни, чап елкадангиди гуноҳларингни ҳисоблаб боради. У дунёга борганинда ҳисоб-китоб қилиб кўришарди. Савобинг ортиқ бўлса, жаннатга, гуноҳинг ортиқ бўлса, дўзахга тушасан...

Саводсиз кампирнинг содда фалса-

фасида қанчалик чуқур маъно борлигини энди тушунапман...

Умр китоби

Одамзод ҳаётининг ўзи нима? Инсон бу фаний дунёга нега келади, нега кетади, деган саволни ўйлаб кўрмаган киши кам бўлса керак. Чиндан ҳам инсон ҳаётининг ўзи нима? Чамамда, "Номаи-аъмол", "Умр китоби" деган гаплар бежиз айтилмаган. Ҳар банданинг умри бир китобга ўхшайди. Умр китобининг дебocasи одам ҳали туғилмасиданоқ Аллоҳнинг ўзи томонидан битиб қўйилади. Дебочанинг номи "Пешанага битгани" ёки "Тақдири азал" деб аталса ажаб эмас.

Инсон оқ-қорани таниб, онгли ҳаёт кечира бошлагач, ўзининг "Умр китоби"-ни ўзи ёзишга киришади. Ҳар кун, ҳар лаҳзада... Синов даври деб аталмиш бу паллада бандаси қилган жамики яхшию ёмон амаллар ёзилиб бораверади. Умр поёнига етган кун китоб ҳам ёпилади.

Сўнг барчаси ҳисоб-китоб қилинади-да, хотимани тағин Яратганнинг ўзи битади. Савоб кўп бўлса - бир тараф, гуноҳ кўп бўлса...

Умр китобига эзгу саҳифаларни кўпроқ ёзиш ҳар бандага насиб этсин...

"Дафтар хошиясидаги битиклар"дан

ЭЪЛОН

ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

"INTERSOK" масъулияти чекланган жамияти Жамият ягона иштирокчиси томонидан 2026 йил 25 май кунини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу муносабат билан "Intersok" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жумладан, кредиторлар олдидаги мажбуриятлари ҳам қайта ташкил этиладиган юридик шахсга универсал ҳуқуқий ворислик тартибиде ўтишини маълум қиламиз. Жамият кредиторлар олдидаги мажбуриятларини тузилган шартномалар шартларига, қабул қилинган бошқа мажбуриятларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ одатий тартибда бажаришни давом эттиради.

Жамият кредиторлари қонунчилигимизда, жумладан, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 49-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақли.

Кредиторларнинг талаб ва таклифлари "Intersok" жойлашган манзил - Тошкент шаҳри Бектемир тумани Олтинтопган кўчаси 40-уйда ёзма шаклда қабул қилинади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: +998 88 296 30 01

ЭЪЛОН

ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

"NATURAL JUICE"

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Жамият ягона иштирокчисининг 2026 йил 25 майдаги қарорига мувофиқ қайтадан акциядорлик жамиятига айлантирилганини маълум қиламиз. Шу муносабат билан "Natural Juice"

МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жумладан, кредиторлар олдидаги мажбуриятлари ҳам қайта ташкил этиладиган юридик шахсга универсал ҳуқуқий ворислик тартибиде ўтади. Жамият кредиторлар олдидаги мажбуриятларини тузилган шартномалар шартларига, қабул қилинган бошқа мажбуриятларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ одатий тартибда бажаришни давом эттиради. Жамият кредиторлари қонунчилигимизда, жумладан, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 49-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақли.

Кредиторларнинг талаб ва таклифлари мазкур жамият жойлашган манзил - Тошкент шаҳри Бектемир тумани Олтинтопган кўчаси 18-уйда ёзма шаклда қабул қилинади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: +998 88 296 30 01

О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Халқ депутатлари Шайхонтохур тумани кенгаши депутати Манзура Валиевага турмуш ўртоғи Саидғанихўжа Валиевнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI - O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ Бахтиёр ЯКУБОВ Сирожддин САЙИЙД

Дилшод ШОУМАРОВ Равшан МАМУТОВ Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА Шўҳрат АСЛОНОВ Абдулла АСЛОНОВ

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта: xxi\_asr@mail.ru xxi\_asr@mail.ru

Телефонлар: қабулхона - 71 215-63-80 (тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими - 71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Собик Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми - 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г - 645. Алади: 5 881. Баҳоиси келишилган нархда. Топширилди - 19:25

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

"XXI asr"дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Саҳифаловчи: Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406 123456

Навбатчи муҳаррир: Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА